



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 21 ноябрь, № 240 (8863)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» ЙИЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯНГИ ПАРЛАМЕНТИ БИЛАН БИРГА ЎЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.
Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Парламент, Ҳукумат аъзолари, марказий муассасалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашган мажлисни Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов олиб борди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат маҳияси янгради.

Мажлисида депутатлар томонидан кун тартиби тасдиқланди. Янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ илк бор қўйи палатада Бош вазир лавозимига номзод масаласи кўриб чиқилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси Асосий Қонунимизнинг 116-моддасига мувофиқ шу йил 19 ноябрь куни Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилган эди.

Конституциямизнинг 118-моддасига кўра Бош вазир номзодини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши ва маъқуллаши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!
Қадри мажлис иштирокчилари!

Бугун янгиланган Конституциямизга мувофиқ илк бор қўйи палатада Бош вазир лавозимига номзод ва Ҳукуматнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини кўриб чиқиш, тегишли қарор қабул қилишимиз зарур.

Бу масаланинг нақадар муҳимлиги, ўйлаётганимиз, ҳаммамизга яхши аён. Нега деганда, мамлакатимиз ўз олдида қўйган стратегик ва жорий вазифаларни амалга оширишда, барча бўғиндаги ижро органлари, аввало, Ҳукумат ва унинг раҳбари зиммасидаги масъулият ҳозирги мураккаб замонда ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, бугун мутлақо янги ваколат ва вазифаларга эга бўлган Ҳукумат шаклланимоқда. Бу фикрни Конституция даражасида биринчи марта камбағалликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, инвестиция, экология каби муҳим йўналишларда Вазирлар Маҳкамасининг мажбуриятлари белгилаб қўйилгани ҳам тасдиқлайди.

Халқимиз бугун ана шундай ҳал қилувчи ма-

салалар бўйича янги Ҳукуматдан аниқ натижаларни кутмоқда.

Асосий масалага ўтишдан олдин ўтган 5 йилда ҳар томонлама пухта ўйлаб қабул қилинган дастурлар ижроси қандай таъминлангани ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Аввало, иқтисодиётимиз 2 қарра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошди. Аҳоли жон бошига даромад 2018 йилдаги 1 минг 600 доллардан 3 минг долларга етиши кутилмоқда. Жаҳон банки 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиёда иқтисодиёти энг тез ўсаяётган 3 та давлат қаторидан жой олганини эътироф этди. Камбағаллик даражаси сўнгги 4 йилда 23 фоиздан 11 фоизга тушди. Бу йил яна 106 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, 9 фоизга тушиши кутилмоқда.

Экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захираларимиз эса 40 миллиард доллардан ошди. Ўзлаштирилган хоржий инвестициялар ҳажми 6 қарра кўпайиб, буни ҳисобига 1,5 миллион юқори даромадли иш ўринлари яратилди. Ялпи ички маҳсулотда инвестициялар улуши 30 фоиз

даражасида таъминлангани иқтисодиётимиз ривожини келгуси йилларда ҳам мустаҳкам замин яратмоқда.

Илгари тўлиқ давлат тасарруфиди бўлган соҳалар, яъни энергетика, кимё, авиация, геология, металлургия, машинасозлик, таълим ва тиббиётда хусусий сектор ва давлат-хусусий шериклик муносабатларига кенг йўл очганимиз уларнинг ривожига кучли омил бўлди.

Айниқса, энергетика соҳасида том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажми 1,5 қарра ўсиб, 80 миллиард киловатт-соатга етгани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Сўнгги уч йилда умумий қуввати 2,4 гигаваат бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол станциялари ишга туширилди. Муқобил энергия улуши ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўпайди.

Яна бир муҳим ўзгаришга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўтган даврда 25 мингдан зиёд хусусий боғча, 70 га яқин нодавлат олийгоҳ ташкил этилиб, қамров мактабгача таълимда — 74 фоиздан, олий таълимда эса — 39 фоиздан ошди.



АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Самарқанд мамлакатимиз марказида жойлашган, савдо, sanoat, туризм, транспорт ва аграр тармоқлар яхши ривожланган ҳудуд. Давлатимиз раҳбари-

нинг 2023 йил августдаги таърифи чоғида белгиланган вазифалар бирин-кетин бажарилмоқда.

Энди янги-янги марралар олиш зарур. Шу мақсадда

аҳоли ва тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, 4,1 миллиард долларлик 120 та лойиҳани амалга ошириш имконияти аниқланган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

А.Н. АРИПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОШ ВАЗИРИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимида кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йил 20 ноябрдаги қарори билан Бош вазир лавозимига А.Н.Арипов маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ

Абдулла Нигматович Арипов Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири этиб тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 20 ноябрь

Ифтихор

ВАТАНГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

Сизни тасбеҳ донасидек саралади халқимиз, Лочин бўлинг, бургут бўлинг, булут бўлиб қалқингиз, Наврўз бўлиб гуллар сочсин юракларга қалбингиз, Кўтлуг бўлсин халқ ноиб, деган мумтоз шарафлар, Ҳам Учинчи Эврилишлар кучок очган тарафлар.

Карвонимиз кетаётган учаётган қирлардек, Ёлларида чўғлар сочиб, наъра тортган шерлардек, Донишмандлар ҳар ишда бош ҳазрат Хизр пирлардек, Дов урмоқнинг келди гали — тоғлар бўлмоқ замони, Қаҳҳашондан ошгай ҳали Кўрагоний нарвони.

Карвон ўтар кўчаларда бўронлар ҳам тургайдир, Оч шоқоллар чий-чийлаб гоҳ, гоҳ лайчалар хургайдир, Кўрнамаклар чоҳлар қовлаб, тўсиқ-ғовлар кургайдир, Карвонимиз шайтонларга қулиб-шошиб борадир, Бешиқ-бешиқ тўлқинланиб, тўлиб-тошиб борадир.

Аммо ҳеч ким кўрмас раво ярим тишлан нонини, Асрамоғи керак ҳар ким ўз боғи, ўз донини, “Керак бўлса юртим учун фидо қилгум жонимни” — деган Сарбон қасамёди — халқ онтига айланди, Ўзбекистон баланд-баланд минбарларга шайланди.

Не куйбатки, оқсоч замин тўлиб кетди тугунга, Кечаги сўз, ваъда, қасам тўғри келмас бугунга, Арзи ҳолинг айтолмайсан на фасон, на юпунга, Шум замонда тинчлигимиз асраганлар бор бўлсин, Боғларида баҳор қулсин, чўққисида қор бўлсин.

Дарё бўлди бугун юртнинг барча чашма, ирмоғи, Осмон ўпар қоя бўлди ҳар тошу ҳар қайроғи, Хилпирайди кўк тоқида юлдуз тўла байроғи, Юлдуз тўла осмонларга қушдек учар вақт келди, Осмон тўла қувонч келди, осмон тўла бахт келди.

Яратганга таъзимларки, тоғдек бардошимиз бор, Тоғлар каби елкадошу дўсту қардошимиз бор, Соҳибқирон бобомиздек танти Юртбошимиз бор, Танти, жасур Юртбошимиз — Сарбонга кўз тегмасин, Ноиблари ўқтам, оқил Ватанга кўз тегмасин.

Абдусайд КҮЧИМОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси.

Даъват

ХАЛҚ ИШОНЧИН ЧИРОҒИНИ ЁҚҚАН ЗОТЛАР

Кўзлар мудом яшнаб кетар дур кўрсалар, Юзлар юз бор ёришгайдир гул кўрсалар, Диллар дилни, эллар элни ҳур кўрсалар, Қадам босган даргоҳида нур бўлсинлар, Депутатлар, сенаторлар бир бўлсинлар.

Халқ овози, Ҳақ овози — сайландилар, Юрт меҳрига, эл меҳрига бойландилар, Белни боғлаб, дилни чоғлаб шайландилар, Эзгу ишда бир-бирига кўр бўлсинлар, Депутатлар, сенаторлар бир бўлсинлар.

Халқ ишончин чироғини ёққан зотлар, Сиёсатнинг самосида боққан зотлар, Садоқатнинг дарёсида оққан зотлар, Ёвлар юз йил уқолмаган сир бўлсинлар, Депутатлар, сенаторлар бир бўлсинлар.

Дунё билсин, ўзбек йўли — ўзин йўли, Келажакни кўра олган кўзин йўли, Юртбошисин оқил, доно сўзин йўли,

Депутатлар ҳимоятда зўр бўлсинлар, Сенаторлар сиёсатда зўр бўлсинлар.

Қондошларга, қардошларга қанот бўлиб, Осиёнинг осмонида сабот бўлиб, Тинчлик учун тиллашганга нажот бўлиб, Хуш ниятда етти ётга эл бўлсинлар, Депутатлар, сенаторлар бир бўлсинлар.

Одамзодга бахту тахтин боғлаб бермас, Кўнглини ҳам то абадга чоғлаб бермас, Машаққатсиз насибасин ёллаб бермас, Тоғ бўлмаса, бағри баҳор кир бўлсинлар, Депутатлар, сенаторлар бир бўлсинлар.

Ҳар бир дилнинг ибодати Ҳақ учундир, Худо билар — ким тутундир, ким устундир... Ҳақиқатнинг ҳимояти халқ учундир, Эл сайлаган депутатлар бир бўлсинлар, Эл сийлаган сенаторлар зўр бўлсинлар.

Маҳмуд ТОИР,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон халқ шоири.

Жаҳон савдо ташкилоти:

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН БЕҚИЁС ИМКОНИЯТ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ўтган иқлим бўйича (COP29) конференция доирасида Мамлакатимизнинг Миллий павильонида Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори Нгози Оконжо-Ивеала билан учрашув ўтказди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши масалаларида амалий ҳамкорлиқни мустақамлашнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди. ЖСТ бош директори мамлакатимизнинг ташкилотга аъзо бўлиши борасида кўрилаётган чораларни юқори баҳолади. Ўтган йили Нгози Оконжо-Ивеала ЖСТ котибияти Ўзбекистоннинг савб-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини ҳамда мамлакат яқин келажақда ташкилотга қўшилишига ишонч билдирганди.

Нуктаи назар

Ислохотларнинг ажралмас қисми



Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 2023 йил сентябрий ойида бўлиб ўтган 78-сессиясида ЖСТга мuddатидан олдин аъзо бўлишни Ўзбекистоннинг устувор вазифаси деб атаган эди. Ушбу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиш мамлакатимизга қандай имтиёзларни тақдим этади? Салбий томони йўқми? Миллий қонунчиликни маъзур ташкилот меъёрлари ва қоидаларига уйғунлаштириш, жумладан, экспорт субсидияларини бекор қилиш бўйича ишлар фаол олиб борилаётгани, халқаро савдони тартибга солиш масалаларида ўзбекистонлик мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани келажақда ўз самараларини берадими?

Таъкидлаш керакки, аини пайтда Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш борасида айрим давлатлар билан музокараларни аяқулаш ва ақин йилларда ташкилотга аъзо бўлиш бўйича савий-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш юзасидан фикрлар алмашиляпти. Хусусан, бир неча кун олдин Ўзбекистон АҚШ билан Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича икки томонлама музокараларни аяқулади. Ҳозирда томонлар бозорга кириш тўғрисидаги баённомани имзолашга тайёргарлик кўрмоқда. Бу билан АҚШ Ўзбекистон билан ЖСТга аъзо бўлиш бўйича икки томонлама музокараларни аяқулаган йигирма биринчи давлат бўлди.

Бундан олдин, аниқроғи, жорий йилнинг 26 октябрий кўни Вашингтонда Жаҳон банки гуруҳининг йиллик йиғилишида доирасида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишига баъишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Аъзолликнинг мамлакат учун фойдаси ташки савдони ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, қўшимча сармояларни жалб қилиш ва иқтисодий ўсишни ўз ичига олади. Ишторикчиларнинг фикрича, “олдинда катта ҳажмдаги ишлар турганига қарамай, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш мақсадига содиқлиги ва кенг халқаро кўмак, жумладан, Жаҳон банкининг техник ёрдами билан бу мақсадга эришиш мумкин”.

Жаҳон банки маълумотида кўра Ўзбекистоннинг ташкилотга қўшилиши унга 5 — 7 йил ичида қўшимча 17 фойз иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Давлатимиз раҳбари август ойида бизнес вакиллари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда ЖСТга аъзо бўлишни “ислохотларнинг ажралмас қисми” деб атагани бежиз эмас. Жаҳон банки маълумотида кўра Ўзбекистоннинг ташкилотга қўшилиши унга 5 — 7 йил ичида қўшимча 17 фойз иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Давлатимиз раҳбари август ойида бизнес вакиллари билан бўлиб ўтган очиқ мулоқотда ЖСТга аъзо бўлишни “ислохотларнинг ажралмас қисми” деб атагани бежиз эмас.

каралар олиб бориш ва миллий қонунчиликни ЖСТ қоидаларига мувофиқлаштиришни ўз ичига олади. Кўпгина давлатлар аллақачон бу йўлдан муваффақиятли ўтган. Одатда, ЖСТга аъзо бўлиш жараёни бир неча йилдан ўн йилларгача давом этиши мумкин. Масалан, Хитой 15 йиллик музокаралардан сўнг, Россия эса 18 йилдан сўнг аъзо бўлди. Бу миллий қонунчиликни мослаштириш, савдо музокараларини олиб бориш ва ЖСТ аъзолари ўртасида консенсусга эришиш зарурали билан боғлиқ. Мамлакатимиз 2026 йилда Камерунда бўлиб ўтадиган 14-вазирлар йиғилишигача ЖСТга аъзо бўлишни режалаштирмоқда.

Албатта, ЖСТга аъзо бўлишни хоҳловчи давлат ўзининг савдо-иқтисодий қонунчилигини ташкилотнинг халқаро қоидалари, жумладан, тарифлар, субсидиялар, интеллектуал мулк ва бошқа жиҳатларга оид қоидаларга мувофиқлаштириши керак. Масалан, Ўзбекистон тариф тўсиқларини қамайтириши, савдо чекловларини бекор қилиши ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш зарур. Савдо сиёсатида ҳам шаффофлик аҳтиёж бор. Тўғри, бу мамлакат иқтисодиёти ва унинг инвестицион жозибадорлигига дарҳол таъсир қилмас, лекин бу жа-

ҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва капитал бозорида иштирок этишнинг муҳим элементидир. Мамлакатда хомашёни қайта ишлаш ва қўшилган қийматнинг ошиши туфайли тармоқлар иқтисодиётнинг етакчилари қаторидан жой олиши мумкин. Шу пайтгача қишлоқ хўжалиги ва саноат қўшилган қиймат занжирига етарлича жалб этилмаган, қайта ишланган маҳсулотлар ва халқ истеъмоли молларини эмас, балки хомашё экспортини афзал кўра эди. Масалан, тўқимачилик саноати бож тўсиқларини қамайтириш, хомашё ва технологиядан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш ҳисобига ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириши мумкин.

Технология ва экспорт бозорларига кириш соддалашади

Хўш, ЖСТга аъзо бўлиш оддий одамларга нима беради? Бу мамлакатнинг оддий резиденти учун ўрта мuddатли истиқболда рақобатнинг кучайиши ва товарларнинг кенг ассортиментида кириши туфайли товар ва хизматлар сифатининг яхшиланишини аяқлатади. Янги иш ўринлари ҳам пайдо бўлиши мумкин, меҳнат шaroитлари яхшиланади. Масалан, импорт қилинадиган товарларга тарифларни пайсатириш нархларнинг арзонлашишига ва аҳоли учун сифатли товарлар мавжудлигини оширишга олиб келиши мумкин.

ЖСТга аъзо бўлган логистика соддалаштирилади. Халқаро стандартлар ва тартиблар жорий этиш орқали логистикани соддалаштириш мумкин, бу савдо тўсиқларининг қисқаришига ва товар айланмасининг тезлашишига олиб келади. ЖСТга аъзо бўлиш божхона бошқарувидаги ислохотларни, инфратузилмани тақомиллаштириш ва замонавий технологияларни жорий қилишни назарда тутати. Бу эса логистика жараёналарини тезлаштириш ва харажатларни қамайтиришга ёрдам беради. Йирик компаниялар

либераллаштиришга мослаштириш имконини берадиган ўтиш даврини назарда тутати. ЖСТга аъзолик рақобат муҳитида ишлаётган ўрта, кичик ва хатто йирик корхоналар учун фойда келтиради, чунки у технология ва экспорт бозорларига киришни осонлаштиради. Бу тадбиркорлар фойдалана олиши керак бўлган имконият ойнаси бўлади. Эски усулда ишлаётганлар рақобатда хорижий компанияларгагина эмас, маҳаллий, самаралироқ ва илғор компанияларга ютқизиши мумкин.

Фуқаролар учун товарларнинг ассортименти, сифати ва мавжудлиги аста-секин кенгайди, янги иш ўринлари очилади. Савдони либераллаштириш даромад ўсишини қўллаб-қувватлайди. Ёддан чиқармаслик керак бўлган асосий нарсаси шундаки, бу жараёнларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида содир бўлмайди. ЖСТ шунчаки восита, аъзолликнинг қанчалар самарали бўлиши турли соҳалардаги ҳоқимият органлари, корхоналар ва мутахассисларга боғлиқ.

Юқори суръатларда иқтисодий ўсиш кафолати

Масаланинг яна бир жиҳати эътибор қаратсак, Экспортчиларимиз учун нозик масала — Ўзбекистоннинг икки марта қуруқлик билан ўралгани. Жуда кўп давлатлар денгизга туташ ёки битта давлатни кесиб билан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар денгизга чиқиши мумкин. Яъни улар ўзининг экспорт маҳсулотларини дунё бозорига арзон олиб чиқа олади. Биз эса мана шу жиҳатдан ютқазамиз.

Маҳсулотимизни арзонлаштириш учун биринчи ўринда логистика харажатларини қамайтириш керак бўлади. Эътиборлиси, ЖСТга аъзо бўлсак биринчи ўринда тарифлар қамаяди. Тариф қамайса, кўпроқ маҳсулот кириб келади. Кўпроқ маҳсулот — бу кўпроқ тақилф, дегани. Кўпроқ тақилф — бу арзонроқ нарх ва кўпроқ товарлар, дегани. Мана шу ҳолатда экспортчилар ҳам ютиши мумкин. Яъни ЖСТга аъзо бўлиш орқали арзон маҳсулотлар нафақат истеъмолчиларга, балки ишлаб чиқарувчиларга ҳам етказилади. Хомашё энди арзонроқ кириб кела бошлайди. Сиз бирон нарсани илгари 100 долларга олсангиз, энди ўша нарсани 80 — 70 долларга олишингиз мумкин. Нафақат бозорнинг арзонлашишига, балки ишлаб чиқарувчиларнинг ўзига ҳам маҳсулотнинг таннархини арзонлашиб, дунё бозорига чиқиш учун имкониятлар яратилади.

ЖСТга аъзо мамлакат ўз савдо шериклари ҳамда ички ва хорижий товарлар, хизматлар ва шахслар ўртасида дискриминация ўтказмаслиги керак. Музокара орқали мавжуд савдо тўсиқлари аста-секин тартиф этилади. Ташкилот қоидалари экспортни субсидиялаш ва демпинг қабй “адолатсиз” фаолиятга тўсқинлик қилади. Етарли даражада ривожланмаган, ўтиш даврида бўлган давлатларга махсус режимлар тақдим этилади. Савдо сиёсатининг ҳалоллиги туфайли давлатлараро савдо муносабатларида носоғлом рақобатни инкор этиб, соғлом рақобат асосида олди-сотди операцияларини амалга оширишга ундайди. Юқорида айтилганидек, ЖСТга аъзо мамлакатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларида юзага келадиган ҳар қандай келишмовчилик фақат тинч йўл билан, музокара орқали ҳал этилади.

Умуман, ЖСТга аъзолик Ўзбекистоннинг юқори суръатларда иқтисодий ўсишининг кафолати ҳисобланади. Барча 166 та аъзо мамлакатнинг бозорларига кириш учун тенг ҳуқуқли имконият пайдо бўлади. Рақобат муҳити яхшиланади ва монополия олди олинишга эришилади. Инфляция даражаси қамаяди, экспортчиларимизнинг ташқи савдода ҳуқуқи ҳимоя қилинади. Аҳамиятли жиҳати, бизга жаҳон миқёсидаги савдо сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Муҳиддин ПЎЛАТОВ,
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти ректори.

РЕКЛАМА

Инвестор ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сон қарорига мувофиқ замонавий талаб даражасида ҳамда арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-118-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Учтепа тумани Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими учун хизмат хоналари ва Тошкент шаҳар ички ишлар органлари ходимлари учун кўп қаватли тураржой биноларини “тайёр ҳолда топириш” шартлари билан давлат-хусусий шериклик асосида қуриш бўйича инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари мутасаддиларини ҳамкорликка тақлиф этамиз.

Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларидан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси.

Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг ташкилий тузилиши бўйича маълумот.

Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг охириги уч йиллик (2021, 2022 ва 2023 йиллар) молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (охириги уч йиллик Ф-1 ва Ф-2 ҳисоботлари, пудрат шартномалари, объектни фойдаланишга топириш бўйича нусхалари илова қилиниши шарт).

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома.

Давлат солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ҳамда ишчи ходимлари тўғрисида маълумот (солиқ ҳисоботида кўрсатилган ишчилар сонини “my.mehnat.uz” базасига тўғри келишини исботловчи ҳужжатлар илова қилиниши шарт).

Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси ҳамда қурилиш техникаси ва кичик қурилиш механизмлари тўғрисида маълумот (техник паспортларнинг нусхалари бўлиши шарт).

Қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа тақлифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўриниши).

Қурилиш ишлари олиб борилиши, мuddатлари ва шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишида).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратта келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг тақриз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳриратта компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусахҳас — С. Исломов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 01.11 Топирилди — 02.10 1 2 3 4 5 6

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Миллий маданиятимиз тарғиботи

АҚШнинг Вашингтон давлат университетида халқаро форуми ўтказилди. Унда ватандошимиз, “Эл-юрт умиди” жағмармаси стипендиати, Вашингтон давлат университети талабаси Севара Шарифова ҳам иштирок этиб, миллий аъналаримиз, либосларимиз ҳамда давлатимиз байроғини намойиш қилди.



“Барча миллат вакиллари қатнашишини эшитиб мен ҳам бу тадбирни ўтказиб юборишни истамадим. Чет эллик курсдошларимизга нақадар чиройли аъналар, либосларимиз ҳамда байроғимиз борлигини кўрсатгим келди”, дея фикр билдирган С. Шарифова.

Намойишдан сўнг ҳамюртимиз иштирокчиларнинг Ўзбекистон ҳамда унинг қадриятлари ҳақидаги саволларига батафсил жавоб қайтарган.

Адлия органларида

«Конституция бурчаги»

Конституция — халқимиз хоҳиш-иродасини ифода этган халқчил ҳужжат. Унда белгиланган ҳар бир модда инсон шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлиниши кафолатидир. Шунинг учун конституциявий саводхонлик муҳим аҳамиятта эга.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 32 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан барча давлат хизматлари марказларида “Конституция бурчаги” ташкил этилди.

Адлия органларида ташиф бююрган фуқаролар бурчадан ўрин олган қисқа ахборот флаерлари, ҳуқуқий адабиётлар, янги таҳрирдagi Конституциямиз билан танишишни, мутахассислардан бир борада ўзларини қизиқтирган саволларга, балки ҳуқуқий масалаларда ҳам жавоб олиши мумкин.

Юртимиз санъатида анъаналар бардавом

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтида “Ўзбек санъатида анъаналар давомийлиги” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Унда санъатшуносликнинг муҳим аспектилари билан бир қаторда ўзининг кўп йиллик тажрибалари, илмий изланишлари, тадқиқотчилик ҳамда олимлик фаолияти билан соҳа ривожига катта ҳисса қўшган йирик санъатшунос олимларнинг илмий меросларини ўрганишга бағишланган маърузалар тингланди. Муҳокама-маларда санъатшуносликнинг барча тури ва йўналиши қамраб олинди.

Анжуман ёш санъатшуносларнинг илмий изланишлари бағишланган тақдимотлар билан давом этди.

Ўзбекистон кубоги

Ғолиблари аниқланди

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида жойлашган “Янгиобод” спорт базасида пара енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги учун мусобақалар ўтказилди.



Икки кун давом этган мусобақаларда жами 500 нафарга яқин ёш спортчилар ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Яқуний натижаларга кўра умумжамоа ҳисобида кучли учлик маълум бўлди. 1-ўрин Тошкент шаҳри, 2-ўрин Фарғона вилояти ва 3-ўрин Бухоро вилояти вакиллари бағишланди.

«Халқ сўзи».